

Ўн йил эмас, юз минг йиллар ўтар яна,
Мангу қолар тарихингда қутлуғ сана.

Gazeta
1997 - yil
27 -
avgustdan
chiqa
boshlagan

HUQUQ

Mustaqillik
huquq
demakdir

№ 35 (196),
29 avgust - 4 sentabr
2001-yil

YURIDIK GAZETA



БАЙРАМИНГИЗ
ҚУТЛУҒ БУЛСИН,
АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

МУКОФОТЛАР МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи кўмига, Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» 2001 йил 27 августдаги Фармонига биноан Ўзбекистон Прокуратурасининг қуйидаги ходимлари Ватанимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирландилар:

Мамлакатимизда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, давлат ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ёш кадрларни тайёрлаш, кўп йиллик фидокорона хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун Жиззах вилоят прокуратураси прокуратура идораларида терговни назорат қилиш бўлими прокурори **НАЗАРОВ Қозоқбой** «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист» унвонига сазовор бўлди.

Мамлакатимизнинг иқтисодийтини юксалтириш, унинг мудофаа қудратини ошириш, миллий хавфсизлигини таъминлаш ва халқлар ўртасида дўстликни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси, Ватанимиз мустақиллигини ҳимоя қилишда кўрсатган фидойийлиги ва мардлиги, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашдаги катта хизматлари учун

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари-тергов бош бۆшқармасининг бошлиғи **ЖУРАЕВ Эшдавлат Турсунович II-даражали «Шон-шарф» ордени** билан;

Республикаимизда тинчлик ва оқойишталикни сақлаш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган салмоқли ҳиссаси ҳамда Ватанимизнинг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ва мудофаа қудратини юксалтиришдаги хизматлари учун

Жиззах вилоят прокурорининг судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича катта ёрдамчиси **АБДУКЕРИМОВА Лоруна Рустемовна**;

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи **ДЖАСИМОВ Ислам Қазимович**;

Хоразм вилоят прокурорининг судларда ҳўжалик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўйича катта ёрдамчиси **МАШАРИПОВА Гулбаҳор Раҳмановна**;

Навоий вилоят прокуратураси махсус прокурорининг катта ёрдамчиси **НАЗАРОВА Светлана Романовна**;

Қашқадарё вилояти Нишон тумани прокуратурасининг терговчиси **ҚУДРАТОВ Баҳром Ҳамраевич «ШУҲРАТ»** медали билан тақдирландилар.

МУСОҲАБА

САОДАТЛИ КУНЛАР ШУКУҲИ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари
Пўлат БОБОЖОНОВ билан суҳбат

— *Ўтган асрнинг сўнгги ўн йили халқимиз учун муҳим сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маданий, маънавий, ҳуқуқий ўзгаришлар даври бўлди. Буларнинг барчаси, шубҳасиз, мамлакатимизнинг миллий мустақиллиги билан боғлиқ. Истиқлолнинг қадрини бор бўйи билан ҳис қилиш учун, Сизнингча, бу ўзгаришлар нималарда кўзга ташланади?*

— Мустақилликнинг ўн йили том маънода буюк миллий уйғониш ва миллий тикланиш даври бўлди десак, муболаға бўлмайди.

Президентимиз Ислам Каримов таъбири билан айтганда, «Халқимиз сиёсий мустақиллик ва озодлиқни қўлга киритгач, ўз тақдирининг чинакам эгаси, ўз

тарихининг ижодкори, ўзига хос миллий маданиятининг соҳибига айланди». Истиқлол туфайли одамларнинг онги, тафаккури ва қалбида улкан ўзгаришлар юз берди, Ватан туйғуси, миллий ифтихор, миллий гурур уйғонди, биз янгича яшашга, янгича фикрлашга ўргандик.

Мустақил давлатнинг энг муҳим атрибутларидан бири бу қонундир. Республикаимиз янгилашни ва тараққиётнинг ўзига хос ва мос моделини танлаб олгандан сўнг қисқа муддатда замонавий, жаҳон андозалари даражасидаги миллий қонунчилик негизи яратилди.

Ўзбекистон Парламенти томонидан ўтган йиллар мобайнида давлатимизнинг янги Конституцияси ва у асосида 300 дан зиёд қонунлар қабул қилинганлиги бу

соҳада улкан ўзгаришларга эришганимиздан шохидлик беради. Биз эндиликда жамиятни амалдаги қонунлар мажмуи ёрдамида бошқариш йўлидан бормоқдамиз.

Мустақилликдан аввалги қонунлар собиқ Иттифок манфаатлари ва талабларига бўйсундирилган эди. Бугунги янги қонунларимиз эса тоталитар тузумга хизмат қилган қонун ҳужжатларидан мазмун-моҳиятига кўра батамом фарқ қилади. Чунки уларни яратишда халқро андозаларга, демократик тамойилларга, ҳусусан, фуқаро ва давлат манфаатлари устунлигига қатъий амал қилинган.

(Давоми 3-бетда.)

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi

prokuraturasi,

Toshkent shahar va Toshkent

viloyati prokuraturalari,

«Qonun himoyasida»

jurnali

Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Isomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.**Reklama va e'lonlar:**

77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma
va suratlar egalariga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq»dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aktsiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma 1 - 2649
Nusxasi — 20609

Bosmaxonaga topshirish
vaqti 20.00
Bosmaxonaga
topshirildi 20.00

Gazeta haftaning chorshanba
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:
H. NISHONOV
Navbatchi: N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ
ЎН ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН АМНИСТИЯ
ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги
муносабати билан инсонпарварлик тамойилига амал қилиб,

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 93-моддасининг 20-бандига асосан,
ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Куйидаги маҳкумлар жазодан озод қилинсин:

а) аёллар;

б) вояга етмаган ёшида жиноят содир этган шахслар;

в) ногирон ва жазони ўташга тўқсинлик қиладиган оғир касалликка чалинган шахслар;

г) оғир ва ўта оғир жиноятларни содир этган шахслардан ташқари 55 ёшдан ошган эркаклар ва чет эл фуқаролари.

2. Олти йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга, шунингдек, эҳтиётсизлик орақасида содир этган жинояти учун ҳукм қилинган шахслар жазодан озод қилинсин.

3. Саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисmini ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

4. Ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум этилган ва тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисmini ўтаган шахслар жазодан озод қилинсин.

5. Ўшбу фармон чиқарилган кунга қадар, тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ учун уч йилдан кам муддат қолган маҳкумлар жазодан озод қилинсин.

6. Ўшбу фармоннинг 1-моддасида қайд этилган шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар юзасидан олиб борилаётган тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар ҳаракатдан тугатилсин.

7. Мазкур фармонга асосан жазодан озод қилинмайдиган шахсларнинг жазо муддатининг ўталмаган қисми куйидагича қисқартирилсин:

а) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — ярмига;

б) қасддан содир этган жинояти учун ўн йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилинганларга — учдан бир қисмига.

8. Ўшбу Фармон жазони ўташ тартибини мунтазам равишда бузган маҳкумларга нисбатан татбиқ этилмасин.

9. Мазкур Фармоннинг:

а) 1-моддаси — жавобгарликни оғирлаштирадиган ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (Жиноят кодекси 97-моддасининг 2-қисми) жиноятини содир этган шахсларга;

б) 3-6-моддалари — қуроллар ва ғиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятларни содир этган шахсларга (Жиноят кодекси 247-моддасининг 3-қисми, 248-моддасининг 3-қисми, 271-моддасининг 3-қисми, 272-моддасининг 2-қисми, 273-моддасининг 4, 5-қисмлари), шунингдек, ўта хавфли рецидивистларга;

в) 3-7-моддалари — террористик, экстремистик ташкилотлар, жиноий уюшмаларнинг аъзоларига, Ўзбекистон Республикасининг конституцион тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга (Жиноят кодексининг 150-163, 242, 244, 244-1, 244-2 моддалари);

г) 4-7-моддалари — илгари авф этиш ёки амнистия тартибиде жазодан озод этилган ва яна қасддан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланилмасин.

10. Мазкур фармоннинг 1 ва 2-моддалари тузулиш йўлига ўтган террористик, экстремистик ташкилотлар, жиноий уюшмаларнинг аъзоларига, Ўзбекистон Республикасининг Конституцион тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этган шахсларга нисбатан жазони ижро этиш муассасасининг маъмурияти томонидан уларнинг ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги тасдиқланган ҳолларда қўлланиши мумкинлиги белгилансин.

11. Фармон эълон қилинган кундан кучга киридаи ва 4 ой мобайнида ижро этилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Ислом КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2001 йил 22 август.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING

«ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI

МУСТАҚИЛЛИГИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ

ЎН ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН

АМНИСТИЯ ТЎҒРИСИДАГИ ФАРМОНГА

Ш А Р Х

Ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Мустақиллик кунини байрам қилиш арасида илгари содир этган жиноятлари учун жазога маҳкум этилиб, кейинчалик ўз айбига иқроқ, қилмишларидан эса астойдил пушаймон бўлган ва тузулиш йўлига ўтган шахсларга нисбатан амнистия эълон қилиш аъёнага айланган.

Истиқлолнинг 10 йиллик юбилеи муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармониға биноан, амнистияга тушадиган маҳкумлар доираси сезиларли даражада кенгайди. Фармон турли жиноятга қўл уриб, жазога маҳкум этилган 50 мингдан ортиқ фуқарони қамраб олади. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан 25 мингдан ортиқ маҳкум озод қилинади. Улар орасида унча оғир бўлмаган жиноятларга қўл урган ҳамда эҳтиётсизлик туфайли жиноят содир этганлар, аёллар, вояга етмаганлар ва кексалар кўпчиликини ташкил қиладди.

Ҳозир озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган аёлларнинг 70 фоиздан кўпроги энди ўз оилаларига қайтади. Жазо ўташ жойларидан вояга етмаган ёшида жиноятга қўл урганларнинг қарийб 85 фоизи, шунингдек, ногирон ёки жазони ўташга тўқсинлик қиладиган оғир хасталикка чалинган шахсларнинг ярмидан кўпроги озодликка чиқарилади. Мазкур Фармонга мувофиқ, аёллар, вояга етмаганлар ва ногиронларга нисбатан олиб борилаётган барча тергов ишлари ва судда қўрилмаган ишлар, баъзи жиноятлар юзасидан олиб борилаётган ишларни истисно қилган ҳолда, тугатилади.

Фармонга асосан, жазодан озод қилинмайдиган маҳкумларнинг ўталмай қолган жазо муддатлари сезиларли даражада қисқартирилади. Бу чора ўшбу тоифадаги шахсларнинг тўртдан уч қисmini қамраб олади.

Амнистия тўғрисидаги Фармон ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, энг аввало, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириб бонгир борасидаги ишлар аянда кенгайрилилаётганлигининг яққол далили, жамият ва давлатимизнинг юксак даражадаги инсонпарварлиги намунасидир.

БАҒРИКЕНГЛИК

ЭНГ ЯХШИ ТАРБИЯ
ВОСИТАСИ

Иш билан бўлиб, вақтнинг қандай ўтганини сезмай қоламиз. Бироқ бир Ватанда, бир осмон остида биз билан ёнма-ён яшаётган шундай инсонлар борки, уларга соат миллири жуда имиллаб ҳаракатланаётгандай туюлаверади. Гап зерикишни касб қилиб олган беғам, бекорчилар ҳақида эмас, қамқоқона-ю колонияда сақланаётган маҳкумлар ҳақида кетмоқда.

Шўро замонидан қолган бир иллат борки, кўпчилик юртдошларимиз халигача қамалганларга нисбатан гайир кўз билан қарайди. Тайинланаётган жазо адолатлими деган саволдан ҳам кўра, жиноят қилдими — жазосини олсин, деган туюшча устун.

Истиқлол туфайли жамият ҳаётида, одамларнинг дунёқарашида туб ўзгаришлар рўй берди. Илгари «чайковчи», «савдогар» дея нафратга лойиқ қўрилган шахсларнинг ўз даврида ишбилармон, тадбиркор бўлганлиги аён бўлаётти. Айниқса, суд-ҳуқуқ соҳасида кетаяётган ислохотлар диққатга сазовордир. Бундан ажабланмаслик керак, негаки, жаҳонга юз тутаётган давлатнинг қонун-қоидалари ҳам жаҳон стандартларига мос бўлади. Дунёнинг ривожланган давлатларида судланиб, жазога тортилганлар орасида маҳкумлар

камчиликини ташкил қиладди, яъни ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланади.

Бизда ҳам секин-аста шу йўлга ўтилмоқда. Масалан, муқаддам судланмаган А.Абраев фуқаро Х.Ҳамидовнинг уйига кириб, 2000 сўмлик «Весна» магнитофонини ўғирлаганлиги учун Сурхондарё вилояти Денов шаҳар судининг 2000 йил 4 февралдаги ҳукми билан ЖКНинг 169-моддаси 3-қисми «б» банди бўйича айбдор деб топилиб, 5 йилга озодликдан маҳрум қилинган.

Юқори босқич суди мазкур ҳукми ўзгартириб, А.Абраевнинг муқаддам судланмагани, магнитофон эгасига қайтарилгани, қилмишдан пушаймонлиги, ёшлигини эътибор олган ҳолда ЖКНинг 57-моддасини қўллаб, жазони 3

йил ахлоқ тузатиш ишига алмаштирган.

Мана бу иш ҳам эътиборга лойиқ. Синглиши Д.Расулованинг номусяга теканлиги учун Ф.Расулов илгари бир неча марта судланган Х.Қурбоновни пичоқлаб ўлдиради ва Самарқанд вилоят судининг 2000 йил 24 майдаги ҳукмига кўра ЖКНинг 97-моддаси 2-қисми «ж» банди билан айбли деб топилиб, 15 йилга озодликдан маҳрум этилади.

Мазкур иш кассация тартибиде қўрилишида прокурор жиноятнинг келиб чиқишига жабрланувчи сабабчи бўлганлигини кўрсатиб, тайинланган жазони енгиллаштириш хусусида фикр берганлигига қарамай, Ўзбекистон Олий суди жиноий ишлар бўйича судлов ҳаёятининг 29 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўшбу иш Республика прокуратураси томонидан назорат тартибиде

келтирилган протест асосида Олий суд Раёсатида қўрилиб, Ф.Расуловга нисбатан чиқарилган суд қарорлари ўзгартирилган. ЖКНинг 57-моддаси қўлланилиб, жазо муддати 7 йилга келтирилган ҳамда Ўзбекистон Президентининг «Амнистия тўғрисида» (28.08.2000) Фармонининг 9-моддаси «а» банди қўлланилиб, жазонинг ўталмай қолган қисми учдан бирга қисқартирилган.

Жазодан мақсад — тарбия, дейдилар. Адолат энг буюк тарбия воситаси эканлигига ҳеч ким шубҳа қилмайди.

Ю. МУСАЕВ,
Р. КАМОЛОВ,
Республика прокуратураси судларда жиноят ишлари қўрилишида прокурор аҳолатини таъминлаш бошқармаси прокурорлари

МУСОХАБА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Мустақиллик ҳаётимизга олиб кирган энг катта ўзгаришлардан яна бири - Ўзбекистон биринчилардан бўлиб ҳусусий мулк ҳуқуқини конституциявий йўл билан мустаҳкамлаб қўйди. Бугунги кунда юртимизда мулкдорлар синфи шаклланиб, куч-қувватга тўлиб бормоқда ва жамият тараққиётини ҳаракатлантирувчи кучга айланмоқда.

Ўтган ўн йиллик ҳаётимиз, фаолиятимиз мезонини белгилаб берувчи қонунлар яратилганлиги билангина эмас, балки шу қонунларни амалга оширадиган мустаҳкам ижро механизми барпо этилганлиги билан ҳам ҳаракатланади. Яна бир муҳим ҳулоса шуки, ўтган йиллар биз учун ўзига хос ҳуқуқий

озод қилинганлар ёки тайинланган ҳазо енгиллаштирилган.

Кейинги йилларда прокуратура идоралари фуқароларнинг муносабатлари билан ишлашга, тадбиркорлар, фермерларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга катта эътибор қаратганини алоҳида таъкидлашни истардим. Масалан, Наманган вилоятининг Косонсой туманида фаолият кўрсатаётган ҳусусий тадбиркор С.Узоқов чорвачиликни ривожлантириш учун 1,5 млн. сўм кредит ажратишни сўраб, «Ўзтадбиркорбанк»га муножаат қилган. Бироқ анча вақт ўтганига қарамай, банк маъмурияти унинг аризасини ҳал этмай келган. Республика прокуратурасининг аралашуви билан сўнг шу йилнинг июнь ойида «Имтиёзли кредитлаш махсус жамғар-

моқда»ми. Зотан, тарихий адолатни, ҳақиқатни, ноҳақликка учраган инсонларнинг ҳуқуқларини тиклаш шарафли ишдир.

Кейинги пайтда республика прокуратураси сайё-ҳаракати билан 20-30-йилларда қатағонга учраган миллий-озодлик ҳаракати иштирокида, қўлоқчилик сийсати оқибатида жабр чеккан, ноҳақ қамалган, сургун қилинган юзлаб юртдошларимизнинг аянчли тақдирини аниқлаб, уларнинг номлари оқланди. Бу ишда бизга уларнинг қариндош-уруғлари, яқинлари ўз хатлари, билган маъмулоти билан яқиндан ёрдам бермоқдалар. Улардан айримлари билан таништириб ўтмоқчиман. Чунки бу ҳақда ёзиш нафақат оқланган инсонларнинг қариндош-уруғлари, балки ҳар биримиз учун

бир оғиз сўз уни айтган инсон бошига ноҳақ жабр-зулм келтирганга Т.Умаровнинг қисмати ёрқин мисол бўла олади.

У 1941 йил август ойида «Озодлик» жамоа ҳўжалиги ишчилари орасида давлатнинг сийсатини тузумига қарши ташвиқотда айбланиб, 10 йилга озодликдан маҳрум қилинади.

Архив ҳужжатларини ўрганганимизда шу нарсга маълум бўлдики, янги мактаб қурилишида раҳбариятнинг «тезроқ ишланглар» деган талабига Т.Умаровнинг «Шошиб нима қиласизлар, Сизларнинг раҳбарлик қилишларингизга оз қолди», деган бир оғиз гапи шўро ҳукуматиға қарши ташвиқот деб баҳрланган.

Судда Т.Умаровнинг бу сўзни айтгани ўз тасдиғини топмаган. Агарда у юқоридаги сўзларни айтган тақдирда ҳам улар шўро тузумини издан чиқариш ёки заифлаштиришга қаратилган ташвиқот олиб бориш жиноят таркибини ташкил этмайди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан Турдибой Умаровга нисбатан чиқарилган суд ҳўқимини бекор қилиш ҳақида киритилган протест Республика Олий Судида қўриб чиқилди ва қаноатлантирилиб, Т.Умаровнинг пок номи оқланди.

Александр Иванович Первушин, Владимир Андреевич Килтер ҳам қатагон қўрсонлари рўйхатиға киритилган. Жиноят иши ҳўжатлари синчиклаб ўрганиб чиқилгандан сўнг Республика Бош прокурори протестларини асосида Олий Суд Раёсати асоссиз суд ҳўқимларини бекор қилиб, уларни оқлаш ҳақида қарор чиқарди. Шўро тузумида қатағонга учраган бундай инсонларнинг оилалари, қариндош-уруғлари қандай қамситишлар ва таҳқирлашларга учраганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

Мустақилликнинг саодатли қўнарида қатагон қўрсонларининг номларини эслаб, уларнинг ҳўрматини жойига қўйиш энг катта савоб ва эзгу ишдир. Биз, катталар улар ҳақида нафақат эслашимиз, балки ўсиб келаётган ёш фарзандларимизға ҳаққоний сўзлаб беришимиз мустақилликни қадрлашға ўргатишимиз ҳам қарз, ҳам фарз. Токи улар шу азиз Ватан учун жон фидо этган ота-боболаридан фахрланадиган бўлсин.

— *Ҳар қимнинг ниятига яраша, дедилар. Қутлуғ байрам арафасида халқимизға тиллақларингиз? Истиқлолнинг истиқболини қандай тасаввур қиласиз?*

— **БАРЧАМИЗНИНГ** нигоҳимиз бугун Тошкентда бўладиган иккинчи чакрик Республика Олий Мажлисининг олтинчи сессиясига қаратилган. Чўнки юқорида айтилганидек, ушбу сессияда «Прократура тўғрисида»ги (янги таҳрирдан) қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинади. Мазкур қонуннинг қабул қилиниши прокуратура фаолиятининг янги, навабдаги босқичини бошлаб беради дейишға етарли асослар мавжуд. Қонун устуворлиги халқни нури манзилларга, олижаноб мақсадларға етакловчи ўзига хос маёқ бўлиб қолаверади.

Ҳаёт муттасил ўзгариб борманидек, одамлар ҳам ўзгаради, қонунлар такомиллашверади. Ҳўл асрининг бошларида ҳўқуқий тафаккур янада ривожланиб, ҳар томонлама билимдон, азмушўхотли янги авлод тарихимиз саҳнасига чиқмоқда. Озод ва обод Ватанимиз келажаги эркин ва фаровон ҳаёт қуриш мақсадини дилиға жойлаб олган ана шу авлод қўлида. Бу авлод Ўзбекистонини дўнға танитишига шак-шўбҳа йўқ.

Яна 3 қўндан сўнг Ўзбекистон халқи Истиқлолнинг 10 йиллигини кенг ишонлайди. Энг азиз байрам муносабати билан барча юртдошларимизни, прокуратура ходимларини самийий қўтайман. Шу улўф юртға, элға ҳўзмет қилиш, Ватанимиз мустақиллигини, осийшўхотлигини мустаҳкамлаш йўлида эзгу ишларида муваффақият, ҳар бир қондоғонга файз-баракат, бахт-саодат тилайман.

Бахтиёр НАЗАРОВ
сўхбатлашди

САОДАТЛИ КўНЛАР ШўҚЎ

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари Пўлат БОБОЖОНОВ билан сўхбат

тарбия мактаби бўлди. Биз қонун асосида яшаш ва меҳнат қилишни ўрганган. Ҳўқорларимизда қонунларға ҳўрмат ҳисси уйғонгани, улар ўз ҳўқуқ ва эркинликларини қонун асосида ҳимоя қилишни ўрганаётганлиғини ўтган даврининг энг муҳим ҳўсуслиқларидир.

Давлатимиз ҳўқуқ-тартибот тизимида ҳам катта ўзгаришларни амалға оширмоқда. Масалан, прокуратура ҳўқимини оладиган бўлсак, у қонун ижросини назорат қиладиган орган сифатида демократик тамойиллар асосида тўбдан қайта ташкил этилди. Прокурор-тергов ходимлари таркиби сифат жиҳатдан ўзгариб бори, уларнинг дўнўёрашида янгилашни юз берди.

Истиқлол яна шўнини билан қадрлик, инсон ҳўқуқ ва эркинликлари устувор тушўнчаға айланди. Прократура халққа пешвоз чиқди. Ҳўқорларда эндиликда прокуратура жазоловчи орган, прокурор эса давлат айбловчиси деб эмас, балки қонуний манфаатларимизни, ҳақ-ҳўқуқларимизни ҳимоя қиладиган идораға бораётиш деган тасаввур мустаҳкамланди. Ҳўқорларнинг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура фаолиятининг устувор йўналишларидан бириға айланди.

Тўғри, бу борада ҳали муайян камчиликлар мавжуд. Ўз зиммасидаги вазифаларға совўқонлик билан қарайдиган, масўлиятини англамайдиган ходимлар орамида йўқ эмас. Лекин бу борадаги ижобий ўзгаришлар қўлини бизни эртанги кўнимизға катта ишонч билан қарашға ундайди.

Юқорида таъкидлаганимдек, Ҳўқорларда қонунға ҳўрмат ҳисси шаклланиб бораётгани ҳўқуқий ҳаётимизнинг муҳим белгисидир. Улар амалда қонун инсон ҳақ-ҳўқуқларини қафолатлашға ишонч ҳўсил қила бошладилар. Бирор масала, муаммоға дўч келганда, «Қонун нима дейди» деган талаб тез-тез эшитиладиган бўлиб қолди. Бўни мен ҳўқуқий демократик жамият барпо этиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири сифатида баҳолайман.

Қонунларимиз муттасил такомиллаштирилиб бораёпти. Суд-ҳўқуқ исохотларининг ҳўзирги босқичи «Прократура тўғрисида»ги қонунни янги таҳрирда қабул қилишни, жиноят, жиноят-процессуал кодекслариға ўзгариштириш киритишни қарзо этмоқда. Ихтимой ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларға нисбатан озодликдан маҳрум қилиш эмас, балки унға мўжобил, қамок билан боғлиқ бўлмаган жазо турларини қўллаш масаласи ҳам қўн тартибига чиқди. Бу борада прокуратура идоралари ишчиллик билан иш олиб бормоқда. Мисол учун, 2001 йилнинг ўтган 6 ойи давомида прокурорлар томонидан апелляция, кассация ва назорат босқичларида ҳамин 1892 нафар шахсларға нисбатан чиқарилган ҳўқимларға протест келтирилиб, маҳўмлар жазодан

маси» ҳисобидан С. Узоқовға 1,5 млн. сўм ўрта муддатли кредит ажратиб берилган. Бундан ташқари мен сизға фермерларға ер берилганлиги, уларнинг фаолиятиға қонуний аралашўварға чек қўйилганлиги, Ҳўқорларнинг бузилган ҳўқуқлари тикланганлиги ҳўсу-сида қўллаб мисоллар айтишим мўкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бузилган ҳўқуқларини тиклаш ташаббуси аксарият ҳўқорларда Ҳўқорларнинг ўзиндан чиқмоқда.

Бўларнинг барчаси тинчлик, осийишталик, ва барқарорликнинг бекиёс самараларидир. Маънавий юксалишнинг, қонун устуворлиги мустаҳкамланганлигини ифодасидир.

— *Бу йил биринчи марта 31 август Ўзбекистон Президентининг фармони билан «Қатагон қўрсонларини ёд этиш кўни» сифатида нишонланади. Республика прокуратураси қатагон қўрсонларини аниқлаш, тараққийёт ва мустақиллик учун курашган бу азиз инсонларнинг пок номини оқлаб, юзага чиқариш борасида қандай ишларни амалға оширмоқда?*

— **ХАЛҚИМИЗ** Ўзбекистон Президентининг «Қатагон қўрсонларини ёд этиш кўнини белгилаш тўғрисида»ги Фармонини ўтганлар хотирасига чексиз эҳтиром ва ҳўрмат сифатида қабул қилди. Бу Фармонининг тарихий аҳамиятини теран англаган ҳар бир Ўзбекистон Ҳўқораси 31 август кўни қатагон қўрсонларини ёд этиш маросимини ўтказиладиган Тошкентдаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуиға келиши табиий ҳолдир. Чўнки биз аввало Инсонимиз. Мустабид тузум даврида «халқ душмани» тамғаси остида қатагон қилинган миллионлаб беғўноҳ ватандошларимиз хотирасини эслаш, уларнинг руҳи поклари олдида таъзим қилиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир. Президентининг Фармони асосида ҳар йили ўтказиладиган бу маросим олижаноб, эзгу мақсадини кўзлайди, янги у Мустақилликнинг мохиятини, шўнали тарихимизни теран англашда, бугўнги фаровон ва осийишта ҳаётимизнинг қадриға етишда, ўсиб келаётган авлодоти ота-боболаримиз хотирасига ҳўрмат руҳида тарбиялашда муҳим рўл ўйнайди.

Энди Республика прокуратура идоралари томонидан машўм мустабид тузум йилларида умри ҳазон бўлган беғўноҳ инсонларнинг номларини, тақдирини аниқлаш, уларни оқлаш борасида амалға оширилаётган ишларға тўхталадиган бўлсак, бунға асосий вазифаларимиздан бири сифатида қара-

муҳим ва аҳамиятли деб ўйлайман.

Биз Қашқадарё вилояти Чирочки тумани «Кўкдала» жамоа ҳўжаларида яшовчи Ойжамоил Муқимовадан кетма-кет иккита мактўб олди. Унинг ёзишча, 1882 йилда Самарқанд вилояти Нарпай туманида туғилган бўваси Муқим Раҳмонов 1931 йилда сургун қилинган. Бошқа қариндошлари, жумладан, амакиси, аммалари ҳам сургун қилиниб, бедарак кетган.

Архивда сақланиб қолган жиноят ишини ўрганиб чиқганимизда М.Раҳмонов ҳақиқатан ҳам қатагон қўрсонларидан бириға айланганлиға гувоҳ бўлдик.

Жиноят иши ҳўжатлариға кўра, НКВД қўшидаги ушлиқнинг 1931 йил 3 июндаги қарорига асосан Муқим Раҳмонов ўзССР Жиноят Кодексининг 78-моддаси билан айблн деб топилиб, 3 йилга озодликдан маҳрум этилган. У шўролар тили билан айтганда «босмачилик» ҳаракати қатнашчи сифатида Совет ҳўқимиятиға қарши кураш олиб борманида айбланган. Ҳўжатлардан маълум бўлишча, Совет тузўм ўрнатилгандан сўнг, М.Раҳмонов қўлоқ деб эълон қилиниб, унға қарашли уй-жой, қорва моллари шўро ҳўкумати томонидан тортиб олинган.

Жиноят иши материалларида, ҳўсу-сан, гувоҳлар кўргазмаларида, қарорлар ва бошқа ҳўжатларда М.Раҳмонов Совет тузўмининг издан чиқариш мақсадида тузилган «банд» азоси бўлганлиги кўрсатиб ўтилган бўлса-да, бу ҳўлатларини тасдиқловчи бирорта ҳам далил йўқ.

Бундан ташқари М.Раҳмоновға нисбатан жиноят иши кўзгатиш ҳақида қарор қабул қилинмасдан тергов олиб борилиб, ЖПК талаблари қўлол равишда бузилган.

Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг 2001 йил 17 июлдаги ҳўлосасига кўра НКВД ҳўзўридаги ушлиқ қарори асоссиз деб топилиб, Муқим Раҳмонов қилинишда жиноят таркиби бўлмаганлиги оқу оқланди.

О.Муқимов ўз хатларида момоси, аммалари тақдирини аниқлашда ёрдам беришни сўраган эди. Афсуски, архивда улар ҳақида бирорта ҳам маълумот мавжуд эмас. Кўринадики, қатагон қанда-қанча беғўноҳ инсонларнинг азоб-ўқубатларига дўчор этган. Уларнинг қисматини чигаллаштириб юборган.

Мустақиллик шарафоти билан оқланган инсонлар орасида 1899 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, «Озодлик» жамоа ҳўжаларида оддий ишчи бўлиб ишлаган Турдибой Умаровнинг ҳам номи бор.

Эрксизлик ҳўқи сургун, инсон қадриятини ҳар этилган шўро замонидан соёвётларға қарши айтилган деб баҳоланган



Қўтайимиз!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан фан, соғлиқни сақлаш, маданият, маърифат, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида» 2001 йил 24 августдаги Фармониға биноан «Ҳўқуқ» газетаси ва «Қонун ҳўмоясида» бирлашган таҳририяти бош муҳаррири

Абдуҳўлик АБДУРАЗЗОҚОВға «Ўзбекистон Республикасида ҳўзмет кўрсатган журналист» фаҳрий унвони берилди.

Барча газетхўнлар номидан ҳамкасбимизни ушбу юксак унвон билан чин қалбдан табриқлаймиз.

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН БАХТ

ТўғРИСИНИ айтсам, шўдликдан ичимға сийғай кетялман. Мамлакатимиз мустақиллигининг 10 йиллик тўйини қўриш насиб қилгани учун Оллоҳға шўқрлар бўлсин! Ахир, не-не инсонлар, ватандошларимиз истиқлол орзусида дўнўдан кўз юмдилар. Мана ўн йилдирки, халқимиз шу азобдан қутулиб, эркин нафас олмақда. Ўтган вақт ичида мамлакатимизда оламшўмул ўзгаришлар рўй берди. Бўни дўнў тан олиб, бизни қутқалмоқда. Шўндай Ватанда тўғилиб ўсган инсон фахрланмайди? Шу боис қўвончим чексиз. Истиқлол тўғрисида деҳқонларнинг ҳам кўрағига шамол теғди. Ўз ериға ўзи ҳўжайин бўлди. Шўролар даврида остонамизға пахта экардиқ. Бир сотиқ ерға ҳам деҳқоннинг ҳадди сиймасди. Ҳеч эсимдан қиймайдик. Бригада бошлиғи эдим. Шийпониимиз ёнидаги ўн сотиқ майдонға аъзоларимизнинг иссиқ овқати учун резавор эктирдим. Резаворға энди озғимиз текканда виллоятдан келган вақил: «Бўқандай ўзбўшмачилик?» — дея резаворимизни бузадириб, ўрниға пахта эктирди. Ушанда «Деҳқон ўз ериға қарчон ўзи ҳўжайин бўларкин» деган арчон ичимда қолганди. Мана бугун еримизға ўзимиз ҳўжайинимиз. Шароитимизға қараб, хоҳлаган навиимизни экаимиз. Энди тепамизда туриб олиб, «Фалон нави пистон вақтда эк, гўзаға сўени мана бундай тара, бундай ишлов бер» дейдиган қорчақонлар йўқ. Оддий одамлар меҳнат қилиб, раҳматини бошқалар эшитадиган вақтлар ўтиб кетган. Ота-боболарим умр бўйи даладан қиймий меҳнат қилишган бўлса-да, темир тақа ҳам олишолмаган. Улар меҳнатининг қадри қаёқда дейсиз, рўзғори бут бўлганим, деб сўранг. Истиқлол боис деҳқоннинг обрўси ҳам, қадри ҳам баянланд бўлди. Бўлмаса, мендек оддий бир деҳқон Ватанимизнинг энг юксак мукофоти билан тақдирланармиди? Оддий меҳнатқаш Ҳўқорасини мана шўндай қадрлаб, олний мартабача кўтарган юртдаги на шўндай бўлади. Ўзбекистон учун, ўзбек халқи учун ёруғ қўнлар келди. Ана шу ёруғ қўнлар бахти барча ватандошларимизға муборак бўлсин!

Абдували АБДУРАҲИМОВ, Ўзбекистон қаҳрамони



ЭТИРОФ

ЙЎЛИМИЗ ОЙДИН

ИНСОН ҳаётида қувончли ва унутилмас воқеалар кўп учрайди. Улар гўё қалбидан мангу муҳрланиб қолгандек. Ҳаётимиздаги энг буюк воқеа бу - Мустақилликка эришганимиз, ўз ҳақ-хуқуқларимизни кўлга киритганимиз, тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олганимиздир. Ҳеч эсимдан чиқмайди. 1990 йилда барча МДХ давлатлари ичида биринчи бўлиб Ўзбекистон ўз йўлбошчисини сайлади. 1991 йилнинг 31 август кўни Президентимиз Ислам Каримов Ўзбекистонни мустақил деб эълон қилганида барча юртдошларим қатори менинг ҳам кўзларимдан қувонч ёшлари қалқиб чиққанди. Мустақилликнинг ўтган шонли 10 йилида Ўзбекистон босиб ўтган нурли йўл асрларга татигуликдир. Барқарорлик, иқтисодиётдаги туб ўзгаришлар давлатимизнинг халқаро микёсдаги нуфузи, обрў-эътиборини оширди. Эндиликда биз билан ҳамкорлик қилиш иштиёқида бўлган чет эллик сармоядорлар тобора кўпайиб бормоқда. Бутун мамлакатимиз каби вилоятимизда ҳам шу йиллар давомида кўп ўзгаришлар юз берди. Айниқса, фуқароларнинг фаровонлиги ошиб бормоқда. Янги-янги иш ўринлари барпо этилди. Навоий шаҳри марказида ҳазрат Алишер Навоий боғи мажмуи тез орада қуриб битказилди. Очилиш маросимида юртбошимиз иштирок этиб, ёрқин нур сўзлади. Юртимизда мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида олиб борилаётган зағу ишларда вилоят прокуратура идоралари ходимларининг аризулик хиссалари бор. Мен ҳам улар сафида эканлигимдан чексиз фахрланаман.



Заври САДИРОВА, Навоий вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, «Дўстлик» ордени нишондори

ШУКРОНА

МЕН ҲАМ ШУ ЮРТ ФАРЗАНДИМАН



Александр КРАСИКОВ, Республика прокуратурасининг масъул ходими

МАМЛАКАТИМИЗНИНГ асосий Қонуни — Конституцияга асосан юзлаб қонулар яратилиб, қабул қилиндик, натижада жамиятимиз ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий ривожланишда собиқ Иттифок республикалари орасида анча илгариллаб кетди. 10 йил мобайнида яратилган қонулар давлатимизнинг иқтисодий, маънавий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузини янада ошириш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, жамиятнинг барча соҳаларида эркин фаолият юритишни рағбатлантиришга қаратилди. Улар ҳақимизнинг манфаатларини ҳимоя қилишга, унинг бунёдкорлик салоҳия-

тини янада фаоллаштиришга хизмат қилиб келмоқда.

Мамлакатимизда ҳукм сураётган барқарорлик, иқтисодий ислохотларнинг бир маромда ва босқичма-босқич олиб борилаётганлиги давлатимизнинг халқаро микёсдаги обрў-эътиборини янада ошириб, хорижий сармоядорлар орасида катта қизиқиш уйғотди. Натижада жуда қисқа муддат ичида Ўзбекистон автомобиль ишлаб чиқарувчи давлатлар қаторидан ўрин олди. Мустақиллигимизнинг ўн йиллик тўйини эса автомобилсозларимиз янги маркадаги автомобиль ишлаб чиқариш билан қарши оломоқдалар. Қисқа қилиб айтидиган бўлсам, танланган йўл тўғри ва собит эканлигини бутун жаҳон тан олди. Буни жаҳон ҳамжамиятининг муносабатидан, деярли барча хорижий давлатлар раҳбарларининг бизни қўллаб-қувватлаётганликларидан билиш мумкин. Бундан ўн беш йил олдин бу ҳақда тасаввурга ҳам эга эмас эдик.

Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки қунлардаёқ Президентимиз Ислам Каримов: «Адолат биз қураётган жамиятнинг мезони бўлмоғи даркор» деган ширини ўртага ташлаган эдилар. Адолат тушунчаси ижтимоий муносабатларнинг ҳамма томонига дахлдор ва кишиларнинг қунчалик амалий ишлари билан боғлиқдир.

Ўтган ўн йил мобайнида амалга оширилган ва оширилаётган ишлар сарҳисоб қилинадиган бўлса, сўзсиз, янги

асрга ҳуқуқий демократик жамият қуришда муайян тажрибага эга мамлакат фуқаролари сифатида қадим қўйдик, деб бемалол айтиш мумкин. Шунга аминманки, биз ҳали XXI асрда оламшумул ютуқларга эришамиз, ҳуқуқий тафаккуримиз ва дунёқарашимиз адалат асосида ривожланиб, чуқурлашиб бораверади.

Шу йилнинг 12 июнь кўни Россия халқи ҳам ўзининг миллий байрамини зўр шодиёна билан нишонлади. Бу кун Россиянинг янги мустақил ҳаётига тамал тоши қўйилган қўндир. Бу кун худди биздаги каби дам олиш кўни деб эълон қилиниб, қўчалар, хиёбонлар байрамга чиққан одамлар билан тўлди.

Гарчи мен ҳам рус миллиятига мансуб бўлсам-да, Ўзбекистонга келганимга мана ўттиз йилдан ошқиб вақт ўтди. Бу давр мобайнида мен ўзбек халқини, унинг урф-одатларини севиб қолишга улғурдим.

Бугун мен Ўзбекистон фуқароси эканлигимдан фахрланаман. Шу юрт мени ўз бағрига олди, қилган меҳнатларимни ардоқлади. «Жасорат» медали билан тақдирландим. 2001 йил августда эса байрамга байрам қўшилиб кетди. Мени 75 ёшга тўлишим муносабати билан «Республика прокуратурасининг фахрий ходими» унвони билан тақдирланди.

Бундай юксак эътибор учун чексиз миннатдорман, юртим равнақи учун бор куч-гайратимни амаймам.

Инсон имонсиз яшай олмайди. Бугун, биз турли дин вакиллари ўртасида тенг ҳуқуқли ва маданий муносабатлар ҳукмрон демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида турган бир паллада бу алоҳида аҳамият касб этади. Ислам КАРИМОВ

ИСТИҚЛОЛ ИНШОТЛАРИ

ФАРҒОНАДА ФАРАҲЛИ КҮН

ЎТГАН пайшанба, 23 август кўни унутилмас воқеанинг шоҳиди бўлдик. Юртбошимиз Фарғона шаҳрига, истиқлолнинг яна бир меваси - «Кобул - Фарғона компани» қўшма корхонасининг тақдимот маросимида ташриф буюрди. Бир неча йил аввал ҳувиллаб қолган тўқимачилик комбинатида яна жон кирди. Юртбошимиз тақдимот маросимида ўз салоҳиятлари, меҳнатлари билан «Кобул - Фарғона компани» корхонасини қисқа фурсатда ишга туширган қурувчи, ишчи, муҳандисларни, Ўзбекистоннинг ишончли ҳамкорига айланган, юртимизда енгил саноатни ривожлантиришнинг кўп йилларга мўлжалланган лойиҳасини рўёбга чиқаришда мададкор бўлаётган Жанубий Кореянинг «Кобул текстайлз» компанияси президенти Чанг Хо Пак жанобларини, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистон билан алоқаларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшаётган элчиси жаноб Хун Чангини, қўшма корхона қурилишига сармоя қўшган Япония халқаро ҳамкорлик банки, энг замонавий дастгоҳлар ва усқуналар етказиб берган «Марубени текстамекс» компанияси вакиллари, Япониянинг республикамиздаги элчиси Кёке Накама хонимни, барча фарғоналикларни самимий қутлади ва миннатдорчилигини изҳор қилди.

— Раҳбарларимиз, Президентимиз, меҳмонлар билан корхонанинг қуркам цехларига кириб бораётганимиздаги ҳаяжонимни таърифлаб беролмайман, — дейди қўшма корхона бош технологи Саминжон Султонов тақдимот маросимидан сўнг. — Бундай корхонада ишлашнинг ўзи катта бахт. Юртбошимизнинг тақдимот маросимида айтган, Ўзбекистон жаҳон бозорига хомашэ эмас, тайёр маҳсулот чиқарса, мамлакат миллий даромади, демак, ишчиларнинг даромадлари етти-саккиз марта ўсиши тўғрисидаги мулоҳазалари бошлаган ишимизнинг салмоғини кўз ўнгимда яққол гавдалантирди.

Қўшма корхонанинг янги дастгоҳларини қабул қилиб ўрнатиш билан шуғулландим. Япониянинг 197 та РХ-240 урчқлари, Германиянинг пахта титиш, савалаш, тараш дастгоҳларининг унумдорлиги ҳам, сифати ҳам 5-6 баробар юқори. Ҳамма дастгоҳлар компьютерларга киритилган дастурлар орқали бошқарилади. Дастгоҳ ёнидаги ишчилар унга ўша дастурларни киритиб туришади. Мазкур дастгоҳларда бир йилда 25 минг тонна пахта қайта ишланиб, 21 минг 600 тонна калава ип олинди. 13 миллион погон метр хом газлама тайёрланади. Маҳсулотимизнинг 90 фоиздан ортигини экспорт қиламиз. Юртбошимиз таъкидлаганидек, ушбу дастгоҳлар ишончли қўлларда. 1500 га яқин ишчиларимиз уларда ишлаш малакасини эгалладилар.

Г.Қосимова шулардан бири:

— Янги дастгоҳларни ўзлаштириш осон кечмаяпти. Бироқ йигит-қизларимиз Жанубий Кореялик мутахассисларнинг кўмаги билан иш ўрганишяпти, тажриба ортиришяпти. Тақдимот маросимида Президентимиз бизга катта ишонч билдирди. Бу ишончни оқлаб, корхонамизда шухратини оширамиз.

— 1999 йил март ойида Ўзбекистонга келганман, — дейди «Кобул - Фарғона компани» корхонаси цех бошлиғи Пак жаноблари. — Юртнингиз гўзал. Чимён тоғларида дам олдим. Саудия Арабистони, Миср, Нидерландияда бўлганман. Лекин Ўзбекистон оч-қўнгиллик, меҳмондўстликни ҳеч қачон қўрмаганман. Тўғриси, меҳнатсевар. Фарғоналик ҳамкасблар билан бир ярим йил ишлайман. Шу вақт ичида дастгоҳларни, технологияни ўзлаштиришларига ёрдам бераман...

«Кобул - Фарғона компани» қўшма корхонасининг мутахассислари, ишчи-хизматчилари эртанги кўнга, келажакка умид ва ишонч билан ишлашяпти.

Исроил ИБРОХИМОВ
«Хуқуқ» муҳбири

ИФТИХОР

ВАТАН ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТ

ВАТАН сўзи жаранлаганда, юрак ўзгача энтикади. Бу муқаддас калом кишига руҳий қувват бахш этади. Илҳомини жўштиради.

Бугун мамлакатимиз Мустақиллигининг 10 йиллиги қизгин нишонланаётган қунларда қалбимизда фахр ва ифтихор жўш урмоқда. Биз ўзлигимизни англаш, ота-боболаримизга муносиб ворис бўлиш, авлодларга аризулик мерос қолдириш бобида мисли қўрилмаган ишларни амалга оширдик. Мен замондошларимизнинг бу давр ўзбек халқи ҳаётидаги яна бир уйғониш даври бўлди, деган фикрларига тўла қўшилиман.

Дарҳақиқат, биз Президентимиз бошчилигида мустақилликни мустаҳкамлаш, илм-маърифатни тараққий эттириш, шаҳар-қишлоқларни ривожлантириш йўлидан бормоқдамиз. Мени айниқса, ҳуқуқ-тартиботни му-

стаҳкамлаш борасида қилинаётган ишлар қувонтирмоқда. Фуқароларнинг ўз ҳақ-хуқуқларини билиши, ҳимоя қилиши фаолилашиб бораётгани ҳам ҳуқуқий давлатимиз тараққиётида муҳим босқич бўлиши турган гап.

Юртдошларимни, ҳамкасбларимни энг азиз байрамимиз — Ватан мустақиллигининг 10 йиллиги билан қизгин қутлар эканман, уларнинг мамлакатимиз тараққиётига янада барақали улуш қўишларини тилаб қоламан.



Г. МАШАРИПОВА, Хоразм вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси

ИСТИҚЛОЛ МУШОИРАСИ

МАНГУ БОРСАН, АБАДИЙСАН, ОНА ЮРТИМ!

Хуршид ДАВРОН,
Ўзбекистон халқ шоири

ОНА ЮРТИМ

Дунё кезиб, гўзал-гўзал юртлар кўрдим,
Жаннатмонанд ўлкаларда ҳайрон юрдим,
Аммо сендай юрагимга азиз бўлган
Бирор юртни тополмадим, она юртим.

Мен номингдан ширинроқ нон тополмадим,
Мен номингдан азизроқ ном тополмадим,
Шонингдан ҳам юксакроқ шон тополмадим,
Тарихларда номи юксак, она юртим.

Хору хасинг азизроқдур жавҳарлардан,
Тупрогининг гарди азиз гавҳарлардан,
Дунё кўрки менман деган шаҳарлардан
Сиқимгина ҳокинг азиз, она юртим.

Қора қошу қора кўзи ўзбегимсан,
Муруватли, ширин сўзи ўзбегимсан,
Ботир ўғил, дилбар қизи ўзбегимсан,
Дунё аро ягонасан, она юртим.

Истиқлолинг менга азиз боламдайин,
Бешик узра онам айтган аладайин,
Аждодларим қони томган даламдайин
Муқаддасан, мунавварсан, она юртим.

Ўн йил эмас, юз минг йиллар ўтар яна,
Мангу қолар тарихингда қутлуг сана,
Мангу қолар бу истиқлол, бу тантана,
Мангу борсан, абадийсан, она юртим!

АБДУХОЛИК

ТОШКЕНТ

Тошкентим,
Азиз шахрим,
Ўзбекинг бош кентисан.
Икки минг йил нарисидан
Бўй чўзган ёш кентисан.
Истиқлол қувончлари
Фавворалар сочарлар.
Йилма-йилмас,
Кундан-кунга
Чиройинг гул очарлар.
Соғбон кўча-
Богбон кўча,
«Ипак йўли» бахт йўли.
Каллаҳона деган жойни
Энди эсларлар кулиб.
«Эски шаҳар» сўзи ҳам
Тарихга айланмоқда.
Камалакранг қийфанг
Жаҳоний товланмоқда.
Навоий бобо сераск,
Қодирий бобо уйғок.
Гафур ал - Ғулом кезар
Богларингда сархуш шон.
Оқ ноиб, оқ тараган,
Хуш бахтингдан яйраган,
Сенга бузун кўз тикар
Умид билан Туркистон.
Тошкентим,
Она шахрим,
Ўзбекинг бош кентисан.
Икки минг йил нарисидан
Бўй чўзган ёш кентисан.

Сирожиiddин САЙИД

ОДДИЙ
ТИЛАКЛАР

Кўнгиллارга сафо берил,
Софлик беру оқлик бер.
Муҳаббат бер, муруват ҳам
Меҳр бер, муштоқлик бер.

Оталарга фароғат бер,
Ва роҳат бер бус-бутун.
Оталарга саодат бер,
Умр беру соғлик бер.

Ўғлонларга иқбол берил,
Иймон берил саломат.
Шижоат бер, ору номус,
Доим кўкси тоғлик бер.

Латофат бер қизларга ҳам,
Малоҳат бер, садоқат,
Яна ҳусну чироғига
Бахтини ҳам боғлиқ бер.

Ёр кўксидан паноҳ берил
Севиб севилянларга.
Севганларга ёр зулфидан
«Дорлик» бер, «сиртмоғлик» бер.

Айвонларга мунавварлик,
Ой ва кўёш меҳридан,
Ҳар бир уйни бешиқлик бер,
Аллалик, уйғоқлик бер.

Ким бўлмасин тўқис айла,
Ризқу насибасини,
Чеккан ранжу заҳматида
Ҳар он вақтичоглик бер.

Дўстлар сафин мустаҳкам эт,
Аҳил этгил, иттифок,
Душманларнинг қаторига
Тоқлик бер, тарқоқлик бер.

Ҳаволанмоқ нечун ахир,
Инсониз-қу ҳаммамиз,
Ҳар кимга ҳам инсоф берил,
Ўзингдан қўрқмоғлик бер.

Жилғаларга жавлон берил,
Чопсин қўзичоқлардай,
Чўққиларга залвор берил,
Қорлик бер, виқорлик бер.

Сен қўладинг, тўлди гулу
Чечакларга бул Ватан,
Бундан сўнг ҳам бағрин баҳор,
Бўстонлик бер, боғлик бер.

Шеърга содмоқ учун шунча
Ору ва умидларни
Менинг шоир дилларимга
Дардкашлик бер, доғлик бер.

ТУҲФА

Юртим, бу кун қутлуг ёшинг муборак,
Истиқлол қўёши балқар бошингда.
Улуғ хизматларга шайдир тоабад,
Навқирон ўғил-қиз сенинг қошингда.
Ўзбекистон, буюк Ватаним менинг,
Сенга фидо бўлсин жон, таним менинг.

Байроғинг хилпираб жаҳон кўкида,
Эзгу ишларингга юртбошинг қанот.
Хурлигинг, шодлигинг абадий бўлсин,
Муборак тўйингга туҳфа бу баёт.
Ўзбекистон, буюк Ватаним менинг,
Сенга фидо бўлсин, жон, таним менинг.

Ғулом ШУКУРОВ,

хуқуқшунос

ШУ ВАТАН МУҚАДДАСДИР

Саъдулла ҲАКИМ

ВАТАНГА
МАНСУБЛИК

Кунлар секин ўтаверар,
Умр асли бир нафасдир,
Ўз элингда бек бўлмасанг,
Саройлар тор қафасдир.
Қолган гаплар шеърга сикмас,
Бари бекор, абасдир.
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Муқаддасдир — заррасида
боболарим қони бор,
Ҳар оғочнинг, ҳар майсанинг
овози бор, жони бор,
Соҳибқирон азиз этган
зўр шарафи, шони бор.
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Гар рўзгоринг тинч бўлса,
лабларда ханда бўлғай,
Шоҳ эрурсан агарким
эгнингда жанда бўлғай,
Ватан ишқи қонларда,
руҳ ила танда бўлғай,
Муқаддасдир бу тупроқлар
шу Ватан муқаддасдир!

Олис тарих қатларидан
келар урху, ғовурларинг,
Жайхун, Сайхун, Энасойга
тақаладир томирларинг,
Туркий деган қавм борки,
бари сенинг бовурларинг,
Муқаддасдир бу тупроқлар
шу Ватан муқаддасдир.

Пайгамбардан ҳадис ёздинг
илоҳий иймон билан,
Дунёни таҳлил айладинг
илм ила урфон билан,
Осмонларни тузаб бердинг
«Зижи Қурагон» билан,
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

ёришди истиқболлар,
Бошга кўнди Ҳумо қуши,
бизники чин иқболлар,
Бу кунларни тавоф айла,
томиб лабингда боляар.
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Минг шукрим юрт озод,
ушалди армонимиз,
Катта йўлга чиқди охир
муаззам карвонимиз,
Бу йўлларда собит тургай
юрт таянчи — сарбонимиз
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Олис йўлга чиққан буюк
карвонимни Тангри қўллар,
Элим деган, юртим деган
сарбонимни Тангри қўллар,
Буюк Темур, Жалолиддин
орзу этган бу йўллар,
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Комил инсон ҳамиша
халқини ўйлагайдир,
Узоқ кетса соғингайдир,
саломлар йўллагайдир,
Ватан суйган зотларни
Оллох ҳам қўллагайдир.
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Тонг отарим, кун ботарим —
Туркистоним — Туроним,
Боболарим томирида
яшаб келган армоним,
Исмагининг сен гурурисан,
озод Ўзбекистоним!
Муқаддасдир бу тупроқлар,
шу Ватан муқаддасдир!

Исматилло ЙҮЛДОШЕВ,
хуқуқшунос

ТАДБИР

ЮВЕНАЛ ХУҚУҚ



Шу йилнинг 22-24 август кунлари Тошкентда Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон, Мўғулистон ҳуқуқшунослари, «Болаларни асранг» Буюк Британия жағмармаси, Сорос ва ЮНИСЕФ жағмармалари вакиллари иштирокида «Урта Осиё ва Мўғулистонда ювенал адлия» мавзусига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

Унда воёга етмаганлар ҳуқуқлари бўйича миллий қонунчилиги қўллашда Мўғулистон ва Урта Осиё давлатларида юзага келаётган муаммолар ҳамда воёга етмаганларга нисбатан жазо қўллашда альтернатив чоралардан фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш масалалари қўриб чиқилди. Маълумки, ювенал юстиция дунёнинг барча мамлакатлари ҳуқуқ тизимида асосий ўринлардан бирини эгаллайди. АҚШ, Канада, Германия, Япония, Франция, Италия, Польша ва Россия давлатларида ювенал судлар кенг фаолият кўрсатиб келади. Бундан қўзланган мақсад — воёга етмаганларга асосий эътиборни қаратиш ва уларнинг ҳар томонлама соғлом, баркамол инсон бўлиб шаклланишига эришишдир. Чунки эртанги кун ана шу болаларга, уларнинг тарбиясига ва қандай инсон бўлиб шаклланишига боғлиқ. Бу масалани ҳал этиш туриб биз бошқа нарсалар ҳақида ўйлашниш мумкин эмас.

Лекин, ҳозир кўпчилигимиз ювенал юстиция нималигини унчалик яхши билмаймиз. Уч кун давом этган конференцияда ушбу масала мутахассислар иштирокида кенг муҳокама қилиниб, уни Ўзбекистонда ҳам жорий этиш йўллари қўриб чиқилди. Қуйида конференция иштирокчиларининг айрим фикрларини ҳавола этамиз.

Жемис Турмағамбетова, Қозоғистоннинг

Исон ҳуқуқлари бўйича Бюроси директори ўринбосари:

— Ювенал юстициянинг ўзи нима? Бу тушунча ҳали кўпчилика маълум эмас. Қисқача айтганда, ювенал юстиция — воёга етмаганларга нисбатан одил судловдир. Ўзбекистондаги қонунчилик тизими билан танишиб чиқиб амин бўлдики, бу ерда жиноят содир этган воёга етмаган шахсларга нисбатан жазо қўллашда қайта қўриб чиқиши лозим бўлган айрим муаммолар ҳам мавжуд экан. Ўзбекистон жаҳон сари юз тутмоқда. Шундай экан, унинг қонунлари ҳам халқаро ҳуқуқ нормалари ва андозаларга мос бўлиши лозим.

Гулнора Эшонхонова,

Тошкент шаҳар адвокатлар уюшмаси раиси:

— Сорос фонди ва ЮНИСЕФ томонидан кўтарилган ушбу масала бутунги кунда жуда долзарбдир. Чунки бизда ювенал юстиция соҳаси мутахассислари жуда кам.

Умуман, воёга етмаганлар бўйича олиб борилаётган жиноят ишларида шахснинг психологик ҳусусиятлари ҳисобга олинishi керак. Ишни олиб борган терговчи ёки судья ишга чуқур ёндашиши, воёга етмаганларнинг психологик ҳусусиятларини яхши билиши лозим. Бу албатта адвокатга ҳам тегишли. Шунинг учун биз воёга етмаганлар бўйича олиб бориладиган ҳар бир жиноят ишида психологик, заруратга қараб психиатрик экспертиза ўтказишни шарт, деган ҳулосага келимиз. Психологик экспертиза воёга етмаган шахс ёши жиҳатидан жавобгарликка тортилиши мумкин деган ҳулоса берса-да, боланинг ақлий ривожланиши унинг бу ёшга етмаганлигидан далолат бериши мумкин. Амалий шунки кўрсатмоқдаки, жиноят содир этган бола буни ўз ҳаракатининг моҳиятини тушунамаган ҳолда, анки бир мақсадсиз, бошқа мотивлар таъсири остида содир этаяпти. Демак, у содир этилган жиноятнинг субъекти бўлмайди. Шунинг учун уларга нисбатан бошқача таъсир чоралари қўлланилса тўғри бўлади, деб ҳисоблайман.

Алия Юнусова, Ўзбекистон Исон ҳуқуқлари бўйича

Миллий Марказининг бўлим бошлиғи:

— Ўзбекистон 1992 йили болалар ҳуқуқлари бўйича халқаро Конвенцияга, фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар бўйича Пактга қўшилган. Бундан ташқари БМТнинг воёга етмаганларга нисбатан одил судловни амалга ошириш бўйича бир қанча ҳужжатлари, резолюциялари мавжуд. Улар Ар-Риёд, Пекин, Токио қоидалари деб номланади. Жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари қаторидан ўрин олишга интилаётган эканмиз, миллий қонунларимиз ҳам халқаро ҳуқуқ нормаларига мос бўлиши керак.

Амалдаги қонун бўйича воёга етмаганларга нисбатан озолиқдан маҳрум этиш жазосини қаматириш ва илжой борица альтернатива (жамоат тарбиясига бериш, жарима, жазосини қўллаш ва бошқа шу каби) чораларни қўллаш лозим деган фикрлар ҳам мутахассислар томонидан таъкидлаб ўтилди. Воёга етмаган шахс озолиқдан маҳрум этилган тақдирда ҳам унга ота-онаси билан кўпроқ қўришиш, муносиб ҳуқуқ-атвори учун рағбатлантириш тарзида ташқарига чиқишга қисқа муддатли таътил беришни қўллаш ўринли деб топилди. Бундай тартиб қўлланилиб, шахсга озолиқда юрган тенгқўрларни, қатта ёшдаги кишилар билан тез-тез мулоқот қилиш, икки шароитни бир-бири билан солиштириб қўришга имкон берилса, бу билан илжой натижаларга эришиш мумкин.

Норлов Отгоншеев, Мўғулистон болалар ҳуқуқлари бўйича

Марказининг ижрочи директори:

— Мен энг аввало конференция ташкилотчиларига ўз миннатдорчилигимни билдирмоқчиман. Уч кун давомида ювенал юстиция масалаларини муҳокама қилдик ва бу борада Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистонлик мутахассислар билан жуда катта тажриба алмашиқ, билдирилган фикрлардан тегишли ҳулоса чиқардик. Мана шундай конференциялар бизда ҳам ўтказилишини хоҳлар эдик.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини давлат мустақиллигининг ўн йиллик байрами билан табриқлайман. Шунинг билан айта оламаники, Ўзбекистон яқин йиллар ичида жаҳоннинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олади. Бу борада Ўзбекистонда олиб борилаётган ишларга муваффақият тилайман.

(Ўз муҳбиримиз)

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР

Мен ҳар кун телевизор орқали янгиликлардан бохабар бўлиб бораман. Августнинг 22 кун кечкурун «Ахборот» кўрсатувини қўриб ўтириб, кўзларимга, қулоқларимга ишонмадим. Президентимизнинг фармони билан бир қатор марҳум санъат аҳллари «Буюк хизматлари учун» ордени билан мукофотланганини айтиб қолишди. Улар ичида менинг бобом уста Ширин Муродов ҳам бор эди. Бобомнинг сўзлаганларини эсласам: Муқимий номли мусиқа ва драма театри, Алишер Навоий номидаги ўзбек давлат опера ва балет катта академик театри бинолари иккинчи жаҳон уруши йилларида қурилган. Уларга сайқал беришга бобом билан бир қаторда Бухоро, Самарқанд, Хива шаҳарларидан усталар жалб қилинган. Бобом қурилишга шогирдларини ҳам олиб келганлар. Кечки овқатдан сўнг шогирдлар хонтахта атрофида қоғоз-қалам олиб, бобомдан нақш, чизмачилик сирларини ўрганар экан.

Бобом ота-оналаридан ёш қолиб, ўша вақтнинг кўзга қўринган усталаридан бўлган амакиларини уста Ҳаётнинг қўлида тарбия олганликларини, ойна устида ганж ўймакорлигини, мураккаб чизмачилик сирларини мукаммал ўрганганлигини, амакисининг қўлида ўн беш йил шогирд бўлганлигини,

БОБОМНИНГ РУҲЛАРИ ШОД БЎЛДИ

етук меъмор уста бўлиб етишганликларини Бухоро амира биллиб, унга ўзининг ёзги саройи Ситораи Моҳи Хосани пойдеворидан бошлаб то икки безакларигача қўриб беришни топширганлигини хотирлайди. Шўролар 1920 йили Фрунзе бошчилигида Бухорога босиб кириб, мачит-мадрасаларни, минораларни тўпга тутиб, шаҳарни вайрон қилганлигини, сўнгра Бухоро усталари билан биргаликда вайронроғга айланган меъморий обидаларни қайта тавмирланганликларини айтади. Шундан сўнг 30-йилларга бориб, очарчилик ҳамда қатагон йиллари бошланганлигини, қанчадан-қанча бегунох одамларнинг

ёстиги қуриганлигини, бобомни ҳам оилаб қамқоқоналарда қийнаб, азоб берганликларини гапириб берар эдилар. У вақтларда мен ёш эдим. Лекин бобом гапириб бераётган саргузаштларини эслаб қолишга ҳаракат қилардим.

Театр биноларининг заллари, фойелари нафис шарқона ганж ўймакорлиги, муқаннас ва қандиллар билан безатилди. Ҳажмли оппоқ геометрик шакллар эса кишига тантанаворлик, эркинлик туйғусини бағишлайди. Театр бинолари қуриб битказилгандан сўнг бо-



Уста Ширин набираси Нарзулла (чапда) ва шогирди билан. 1946 йил

ПРОКУРОР СЎЗ СЎРАЙДИ

ОГОҲ БЎЛИНГ, ЯХШИЛАР!

Санокли кунлардан кейин халқимиз энг азиз ва кутлуғ байрам - Мустақиллигимизнинг 10 йиллиғини кенг нишонлайди.

Атрофга бир боқинг. Қалбингиз гурур ва ифтихорга тўлади. Одамларнинг чехрасидаги мамнунлики қўриб, қалбингиз тоғдек кўтарилади. Ана шундай юрт фарзанди бўлганингиздан фахрланасиз. Ҳар қадамда яратувчанлики кўрасиз. Буларнинг бари мустақиллиқнинг шарофати туғайли.

— Ўзингиз ўйланг, бундан ўн-ўн беш йил олдин Ўзбекистон дунёнинг ривожланган мамлакатлари қатори ўзининг автомобил заводига эга бўлади деса, ким ишонарди? Бугун кўчаларимизда юрган «Тикко», «Нексия», «Дамас», куни кеча конвейердан чиққан «Матиз» ҳаёлдан ҳақиқатга айланди. Кишлоқ ҳўжалиги, иктисодиёт ва сиёсатда эришган муваффақиятларимизни дунёнинг етакчи мамлакатлари тан олмоқда.

Юртбошимизнинг келажак авлодга қилаётган ғамхўрлигини дунё ахли эътироф этаяпти. Москвада ўқиниш хаёл қилган ўзбек деҳқонининг фарзанди бугун Америка ёки Японияда ўқимоқда. Бу мустақиллик берган буюк неъмат.

Табиятда ҳар нарсанинг зидди бўлгани каби ёвузлик ҳам яхши ниятли кишиларнинг улғу ишларига ҳамisha тўсиқ бўлиб келган. Юртимиздаги улкан муваффақиятларни қўрломаётган кимсалар ҳам йўқ эмас. Энг ачинарлиси, кечагина уларнинг айримлари сиз билан бизнинг ёнимизда юрганлиги юракка оғриқ солади. Уларнинг мақсади

қўпурувчилик билан шўғулланиб, конституцион тузумни ағдариш эди. Улар ҳеч қачон мақсадларига эриша олмайдилар. Энг ёмони ҳали ҳам айрим жойларда диний нифоқ қилган кимсалар ўзларини Ислом динининг фидойисига қилиб кўрсатиб, босқинчилик ва талон-тарожилик билан машғул бўлмоқда.

Масалан, 1999 йил 4 декабрь куни туманимизнинг Хисорак қишлоғида яшовчи А.Маҳаммадхўжаевнинг уйига бир тўда диний экстремистик гуруҳ аъзолари бостириб кириб, уй эгасини ваҳшийларча ўлдириб, хотини ва болаларининг қўл-оёқларини боғлаб, оилага қарашли мол-мулкни ўғирлаб кетган. Терговда ушбу босқинчиликни Қ.Норбўтаев бошлиқ ваҳхобийлик диний оқимига мансуб шахслар содир қилганлиги маълум бўлди.

Мен кутлуғ кун арафасида бу сўзларни ёзишдан мақсад, барчани оғохликка чақиришдир. Оғохлик бўлган жойда хотиржамлик бўлади.

Мамлакатимизни йўлга чиққан катта қарвонга ўқаштириб келади. Бизнинг манзилимиз нурафшон, мақсадимиз — улғу. Ҳеч ким бизни бу йўлимиздан қайтарма олмайдилар.


Мен кутлуғ кунда барча юртдошларимизга азиз байрамингиз муборак бўлсин, дейман. Омад ва бахт хонадонларингизни ҳеч қачон тарқ этмасин!



Б.ФОРИКОВ, Паркент тумани прокурори

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИ ЖАМОАСИ
ДЕМОКРАТИК-ФУҚАРОЛИК ДАВЛАТИ
ҚУРАЁТГАН БУТУН ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚИНИ МУСТАҚИЛЛИК
БАЙРАМИ БИЛАН
МУБОРАКБОД ЭТАДИ.**

РЕКЛАМА



РЕКЛАМА

ЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10



1991 - 2001

ЙИЛЛИГИ



«МАИШИЙКИМЁ» ЖАМОАСИ

«ЎЗҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИККИМЁ»

ДАВЛАТ АКЦИЯДОРЛИК
КОМПАНИЯСИЎЗБЕКИСТОН МУСТАҚИЛЛИГИ
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ
БИЛАН БАРЧА ВАТАНДОШЛАРИМИЗНИ
МУБОРАКБОД ЭТАДИ.

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«КУМКЎРФОНТАЪМИНОТ»,
«ПИЛЛА», «ТЕРМИЗПАХТА» ВА
«ШЎРЧИПАХТА»

хиссадорлик жамиятлари ҳамда
«СУРХОН» темир-бетон буюмлари
комбинати, «МАДАД» суғурта агентлиги
жамоалари

МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚИНИ
МУСТАҚИЛЛИК БАЙРАМИ БИЛАН
ЧИН ЮРАҚДАН ҚУТЛАЙДИ ВА
ЮРТДОШЛАРИМИЗГА ХАМИША
БАХТ ВА ИҚБОЛ
ЁР БЎЛИШИНИ ТИЛАЙДИ.

БАЙРАМ УЧРАШУВИ

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО
ЙЎЛЛАРИ»
ИСТИҚЛОЛ
ЙИЛЛАРИДА

90 - йилларда собиқ Ўзбекистон фуқаро авиацияси бошқармаси кемаларида 6 миллионга яқин йўловчи ташилган эди. Оғирлик асосан учувчилар «ҳаво поездлари» деб атайдиган 350 ўринли Ил-86 самолётлари зиммасига тушганди.

Истиқлолга эришган Ўзбекистон ўзининг мустақил «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясини ташкил этди. Четга чиқиш учун денгиз ва дарё йўллари бўлмаган, фақатгина темир йўл ва автотранспорт тизимига эга давлат авиациясиз чекланиб қолишини тушунган давлатимиз раҳбариятининг узокни кўра билиши ва фуқаро авиацияси етакчиларининг ўз ишига оқилона ёндашиши шу даврда яққол кўзга ташланди.

1993 йилдаёқ Ҳукумат ва Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг қўллаб-қувватлаши натижасида биринчи марта замонавий А-310 ҳаво кемасига эга бўлинди. У узок муддатли лизингга арзонроқ берилгани учун эмас, балки учувчилар, авиамутахассислар, диспетчерлар, борткузатувчилар, кетринг ходимларини ўргатиш, иккинчидан, йўловчиларга хизмат кўрсатиш даражасини кўтариш, ҳар бир миқозга малакали хизмат кўрсатиш савиясини ошириш, сўнгра халқаро йўналишлар сонини кўпайтириб, йўловчи ва юк ташиш оқимида Тошкентни Европа ва Осиё мамлакатлари ўртасидаги боғловчи бўлини айланттириш мақсадида олинди.

*1996 йилда авиакомпания ўзининг биринчи «Боинг-767», келгуси йилда биринчи RJ-85, икки йил ўтгач эса «Боинг-757» лайнерларига эга бўлди.

Бугунги кунда Миллий авиакомпания паркларига Фарбий Европа ва Америкада ишлаб чиқарилган энг замонавий техникалар хизмат қилмоқда.

«Шарқ техникаси» деб аталувчи Ту-154, Ил-62, Ил-86, юк ташишда Ан-12 ва Ил-76 кемалари ҳам ишлатилапти.

Авиатаъмирлаш заводида Фарбий Европада ишлаб чиқарилган техникаларга хизмат кўрсатиш маркази фаолият кўрсатмоқда.

Сурайё Арслонбекова — борткузатувчи (стюардесса). 1971 йилда Тошкент шахрида туғилган. Оилали, икки фарзанднинг меҳрибон онаси. Қадрлайди: оилани, инсонлардаги меҳрни. Ёқтирамайди: ҳасадгўйликни, ёлғончиликни. Орзулари: фарзандлари камолини кўриш, миллий авиакомпаниянинг нуфузини кўриш.

САМОЛАРНИ СЕВГАН

СУРАЙЁ

Аёлнинг бахти нимада? Тақдир тухфа этган содатли лаҳзалардами? Ёки оила тинчлиги, фарзандлар камоли, турмуш гўзаллигидами? Машаққатли меҳнат ортидами ё? Инсон ҳай кезларда ўзини бахтиёр ҳис этади? Сиз-чи, сиз бахтлимисиз?! Бугунги суҳбатдошим ҳузурига ана шундай саволлар билан кириб бордим.

- Сурайёхон, борткузатувчилик касбини танлашингизга нима туртки ёки сабаб бўлди?

- Биласизми, менинг отам авиация соҳасида кўп йил хизмат қилган. Шунинг учунми, болалигимдан шу соҳага қизиққанман. Бир неча йил давомида инглиз тили фанидан сабоқ бериб келдим. Бироқ бу касбга бўлган муҳаббат мени шу соҳага етаклаб келди. 1999 йили танлов асосида ишга қабул қилиндим. Иш фаолиятимни маҳаллий йўналишлардаги Як-40, Ан-24 самолётларида бошладим.

- Устоз кўрмаган шогирд ҳар макомга йўргалар дейишади...

- Нима демоқчилингизни тушундим. Албатта, ҳар соҳанинг устаси бўлиш учун устоз кўриш керак. Мен оилада касбим ҳақидаги илк тушунчани отамдан олганман. Иш фаолиятим давомида устозларим Оля Супядо, Зинаида Кудряшовалардан кўп нарсаларни ўргандим. Улардан беҳад миннатдорман.

- Касбингизда асосий эътиборни нималарга қаратиш керак?

- Муомала, тилни билиш, ташқи кўриниш маданияти, бундан ташқари учиб жараёнида ҳар қандай вазиятга тайёр туриш, керак бўлса вазиятдан усталик билан чиқиб кетиш, яна тинмай ўқиш ва изланиш керак бўлади.

- Борткузатувчилик касби аёл киши учун қийин эмасми?

- Умуман, аёл киши қайси соҳада бўлмасин, ёнида доимо уни тушунадиган, оғирини енгил қиладиган инсон-



лар керак бўлади. Менинг ёнимда шундай одамлар бор. Уларнинг кўмаклари, қўллаб-қувватлашлари ҳамиша мен учун далда бўлиб келган. Назаримда, меҳнатсиз, машаққатсиз роҳатга эришиб бўлмайди. Қийинчиликларни енгишга ҳамиша тайёр туриш лозим.

- Асли аёлликнинг ўзи бир мўъжиза. Сизнинг тасаввурингизда шарқ аёли, шарқ онаси қандай бўлиши керак?

- Дунёда жамики гўзалликлар аёлга бўлган муҳаббат туфайли яратилган, деб бежиз айтишмайди. Пайгамбаримиз: «Агар ер юзида сигиниш жоиз зот бор бўлса, агар Оллоҳ шуни жоиз деб билса, мен бундай эҳтиромга фақат оналарнигина лойиқ деб би-

лардим» дейдилар. Бу ҳадисдан келиб чиқадики, оналар ер юзидаги энг мўътабар зотлардир. Бундан ортиқ таъриф бўлиши мумкин эмас.

Шарқ аёлининг энг муҳим хусусияти унинг ҳаёси, ибосида кўринади. Унинг оилада алоҳида ўрни бўлган. Демокчиманки, оилада эркак киши подшо бўлса, аёл унинг вазири мақомидадир. Демак, аёлларимиз ана шу ҳурматга, ана шундай иззатга муносиб бўлиши керак.

- Сизнингча, ҳаётда энг муҳим нарсаси нима?

- Шахсан мен учун ишим, оилам ҳамда яқинларимнинг тинчлиги муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ҳар бир инсон учун ҳаётда ўз ўрнини топиш, кимгадир керак бўлиш бахти муҳим бўлса керак, деб ўйлайман.

- Сурайёхон, суҳбатимиз мустақиллик байрами арафасида кечмоқда. Байрам тилақларингиз?

- Истиқлол ўзбек халқиға кенг имкониятлар яратиб берди. Бугун Ўзбекистонни бутун дунё танимоқда. Буни авиакомпаниямизда халқаро рейсларнинг ортиб бораётгани билан ҳам изоҳлаш мумкин.

Ниятим - халқимиз ана шу истиқлолнинг кадрига етсин. Бугунги тинчлик, хотиржамлик абадий бўлсин.

Сурайёхон билан хайрлашар эканман, унинг маъсум чеҳрасига қараб туриб, ушбу сатрлар ёдимга тушди:

Ибони, ҳаёли, маъсум чеҳрангиз,

Бир олам завқу шавқ таратиб турсин.

Қалбингиз куёши ҳар кун, ҳар онда,

Одамлар юрагин ёритиб турсин.

Суҳбатни «Хуқуқ» газетаси учун «Ўзбекистон қанотлари» газетасининг муҳбири Феруза ҚУРБОНОВА уюштирди

«ЎЗБЕКИСТОН ҲАВО
ЙЎЛЛАРИ»
ИСТИҚЛОЛ
ЙИЛЛАРИДА

Истиқлол йилларида авиациянинг кучли рақобат бозорига миллий авиакомпаниямиз ўзига муносиб жой топа олди. Миллий авиакомпания янги, замонавий техникаларни сотиб олишдан ташқари, қисқа вақт ичида ҚХБ тизимини такомиллаштирди, учиб-қўниш йўлқалари қайта таъмирланди, Тошкент (маҳаллий йўналишлар, учиб келган йўловчилар учун ва транзит зали), Самарқанд, Урганч ва Бухоро йўловчилар терминаллари бунёд этилди.

Ҳаво кемаларимизда 1994 йилда 800 минг йўловчи ташилган бўлса, ўтган йил мобайнида бу кўрсаткич икки баробар ўсиб, 1 миллион 800 минг кишига хизмат кўрсатилди.

Агар таққослаш керак бўлса, биргина Украина ва Қозоғистонда 2000 йилда етти юз ва уч юз мингдан кўпроқ йўловчи ташилганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. МДХ давлатлари ўртасида «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташувлар бўйича Аэрофлотдан кейин иккинчи ўринга чиқиб олди.

Шу йилнинг 6 ойда 750,2 минг йўловчиға хизмат кўрсатилди. Халқаро йўналишларда кўрсаткичлар 242,3 минг, МДХ - 201,6 минг, маҳаллийда - 306,3 минг йўловчини ташкил этди. Халқаро йўналишлардан фойдаланувчилар сони 26 дан 31 фоизга ортди.

Айни пайтда халқаро йўналишлар бўйича Европанинг еттига шахрига қантовлар мавжуд. Булар Лондон, Бирмингем, Париж, Рим, Афина, Амстердам ҳамда Истамбул. Ушбу йўналишларда 76 минг йўловчи ташилди.

Яқин Шарқ мамлакатларидан Тель-Авив, Жидда, Ар-Риёд, Баҳраинга қантовлар бажарилди. Бу йўналишларда ташилган йўловчилар сони 32 мингга етди. Айниқса, Шаржа ва Тель-Авив йўналишларидаги ўриндиклар бандлиги даражаси жуда юқори. Жанубий Шарқий Осиё ва Узоқ Шарқ (Бангкок, Куала-Лумпур, Пекин, Сеул ва Осака) шаҳарларига борувчи йўловчилар сони 18,4 фоизга кўпайди.



Сурайё Арслонбекова ҳамкасблари даврасида.

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

**Истиқлол
муборак, азиз
юртдошлар!**

«КИСЛОРОД ЗАВОДИ»
корхонаси жамоаси



**ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
ИСТИҚЛОЛНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ
БИЛАН ТАБРИКЛАБ, ГУЗАЛ
ВАТАНИМИЗНИНГ КЕЛАЖАГИ
ЙЎЛИДАГИ ИШЛАРИДА
ЗАФАРЛАР ТИЛАЙМИЗ.**

ТЎРТКЎЛ ТУМАНИ «ОҚ ОЛТИН»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

**«ТОШКЕНТАВТОЙЎЛ»
«ОҲАНГАРОН ТУМАН АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ»**

ДАВЛАТ ҲИССАДОРЛИК БИРЛАШМАСИ

БОШҚАРМАСИ



ЖАМОАЛАРИ БАРЧА

ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАРНИ

ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИ

БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ

ВА МАМЛАКАТИМИЗ

МУСТАҚИЛЛИГИ АБАДИЙ

БЎЛИШНИ ТИЛАЙДИ.



ФУТБОЛ

МИРЖАЛОЛНИНГ МАҲОРАТИГА
АРАБЛАР ҲАМ ТАН БЕРДИ

Ўзбекистон - Қатар учрашуви тугагач, ўйингоҳдаги томошабинлардан бирининг овози эшитилди: «БАА 40 градусда тўртта гол урган эди, Ўзбекистон йиғирма градусдан кўпроқ об-ҳавода иккитадан зиёд тўп киритди». Бу овоз кимгадир эшитилиб, кимгадир эшитилмай ҳавога сингиб кетди. Гап об-ҳавода эмас-у учрашувда иккитадан кўп гол урилгани рост. Дастлабки дақиқаларда ўнг томондан Максим Шацких узатган тўпни дарвозага йўллаган Жаъфар Ирисметов ҳакам томонидан ўйиндан ташқари ҳолатда деб топилди ва гол ҳисобга олинмади. Бу вазиятни ойнаи жаҳонда синчиқлаб қузатган кишининг гол киритилган пайтда ўйиндан ташқари ҳолат йўқлигини англаши қийин бўлмади. Негаки, Ирисметов ҳимоячи билан бир қаторда турган ва тўп унга шар шаклида чиройли узатилган эди. Начора... Начора деймиз-у шу кунгача ўзбек футболга нисбатан бу сўзнинг неча марта ишлатилганини ва қанчаси қимматга тушганини ўйлаймиз беихтиёр. Ҳа, майли. Мухими, галаба қозонилди. Футбол муҳлисларининг қувончли лаҳзалари 36 дақиқа кутишларига тўғри келди. 37-дақиқада бурчакдан узатилган тўп ҳимоячилар орқали Ж.Ирисметовга келиб тушди ва қулай вазиятда турган ҳужумчимиз ҳарқалай панд бермади: 1:0. Иккинчи бўлимнинг олтинчи дақиқасида кечагина «Ўзбекистон ифтихори» унвони соҳиби бўлган плеймейкеримиз сеvimли нуқтасидан рақиб дарвозабонига «томоша кўрсатди» - 2:0. Бу Миржалол Қосимовнинг Қатар термиси дарвозасига киритган иккинчи голидир. Эсингизда бўлса, «Ливан - 2000»-да айнан М.Қосимов жарима тўлини қойилмаком тарзда Қатар дарвозасига йўллаб, термамиз Осиё чемпионатидаги биринчи ва ягона очкосини қўлга киритган эди.

Иккинчи бўлим ўрталарида Ирисметов, Аннаматовларнинг ўрнига майдонга тушган Аҳмеров, Кошелевлардан муҳлислар чиройли ўйин кутган эдилар. Бироқ бундай бўлмади. Жисмоний жиҳатдан бақувват араб футболчилари учрашувнинг сўнгги дақиқаларида яраланган шер қиёфасига кирдилар. Ўйиннинг 88-дақиқасида улар Алексей Поляков дарвозасини ишғол қила олишди. Шу дақиқадан бошлаб, муҳлислар қалбида қаттиқ ҳаяжон қалди: «Ишқилиб дуранг бўлиб қолмасин-да...» Ютаётган учун вақт ўтмайди, ютқаётган учун вақт етмайди. Ҳа; арабларга яна 5-10 дақиқа етмади. Билмадим, футбол ўйини юз дақиқадан иборат бўлганида нима бўлар эди?

Учинчи тур ўйинлари 31 август кунги ўтказилиб, унда Уммон - Хитой ва БАА - Қатар терма жамоалари учрашди.

«В» гуруҳида иккинчи турдан кейинги вазият қуйидагича:

1	Хитой	1	1	0	0	3-0	3
2	БАА	2	1	0	1	4-4	3
3	Ўзбекистон	2	1	0	1	3-5	3
4	Уммон	1	0	1	0	0-0	1
5	Қатар	2	0	1	1	1-2	1

Ўзбекистон - Қатар учрашувидан сўнг «Пахтакор» стадионининг конференция залида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Унда терма жамоа бош мураббийлари журналистлар саволларига жавоб берилди.

Мухбир: — Учрашув ҳақидаги фикрларингиз?

Ж. Ҳожиабди: — Мен Ўзбекистонлик журналистлар билан ўйин олдиндан гаплашганимда Қатар термиси биринчи ўйинда икки очко йўқотгани, энди фақат галаба учун майдонга тушишимизни айтгандим. Учрашув тафсилотларига баҳо бериш борасида бирор нарса айти олмаيمان. Чунки бу нотўғри чиқиши ҳам мумкин.

Мухбир: — Ўзбекистонликлар 2000 йилги Осиё чемпионатининг финал босқичида қатарликларга қарши майдонга тушганди. Мана, орадан қарийб бир йил ўтди. Айтинг-чи, Ўзбекистон термисида ўзгариш сездингизми?

Ж. Ҳожиабди: — Албатта, ўтган йили Ливанда ўйнаган жамоа билан бу йилга Ўзбекистон миллий терма жамоаси орасида ўзгариш жуда катта, бу нарсани натижалардан ҳам билиб олиш мумкин. Бугун бошқача ўйин бўлди. Бироқ бу билан Ўзбекистон термисини яхши ўйин кўрсатиш дея олмаيمان. Жуда кўп хатolikлар содир бўлди. Айниқса, Ўзбекистон вакиллари ҳимояга ўтиб олган сўнгги 20 дақиқада бу нарса ажол сезилди. Биз ҳам баҳоли қудрат ҳаракат қилдик, лекин ҳужумларимиз самара бермади. Учрашув бошларида йигитларимиз рақибдан чўчиброк ҳаракат қилишди ва ўз дарвозалари олдида тўпнали қолдилар. Сўнгра уч марта ўйинчи алмаштириб, ҳужумга эътибор қаратишни маслаҳат бердим. Дуранг қилиш иккинчиси бор эди. Афсуски...

Мухбир: — БААдаги учрашувда майдонга тушган Ўзбекистон терма жамоаси билан бугунги жамоа ўрта-

сидаги фарқни нималарда деб биласиз? Бу мағлубиятга сабаб фақат об-ҳавонинг ноқулайлиги эдимми?

В.Сальков: — Аввало, биз бутунлай ҳимояга ўтиб олган эдик. Об-ҳаво ҳам албатта ёмон таъсир қилди.


Мухбир: — Сизлар яна икки марта ўша минтақага, яъни Қатар ва Уммонга боришларингизга тўғри келади. Унда нима қиласизлар?

В.Сальков: — Албатта, биз ҳаддан зиёд иссиқ шароитда яна икки марта майдонга тушишга мажбуримиз. 40 даража иссиқда бизникилардан бирортаси ҳам илгари футбол ўйнамаган. Бу албатта улар учун катта синов бўлади.

Мухбир: — Нима учун ўйинчилар учрашув сўнггида суллашишди?

В.Сальков: — Менимча, йигитлар менинг маслаҳатимга қулоқ солишди. Чунки терма жамоа ҳозирда бутунлай ангиждан шаклланди. Таркиб борасида ҳам, тайёргарликда ҳам. Биз йиғинлар ўтказишдан маҳрум бўлдик. Ички чемпионатдаги футболчиларнинг машғулотлари эса менинг ҳақлимни чиқаради. Мураббийлар ҳам шулар жумласидан. Бугун майдонда ўзини кўрсатган футболчилар талаблар даражасининг ярмидан ўтломаган. Бу бугунги кундаги биринчи рақамли муаммо бўлиб турибди. Ва шу масала юзасидан иш олиб бораёмиз. Бу албатта қатта қийинчилик тугдирди. Ҳар бир учрашувда янги футболчини майдонга тушириш осон эмас. Легионерларимизнинг ҳаммаси ўз клубларига қайтиб кетишади. 29 августда навбатдаги тур. Биз клублардаги «пичоққа илинадиган»ларни яна кўриб чиқамиз. Сентябрдан Европада Чемпионлар лигасининг асосий ўйинла-

КРОССВОРД



ЭНИГА:

1. Улкан денгиз ҳайвони. 4. Буюртма учун олдиндан тўланадиган ҳақ. 10. Будда дини руҳонийси. 11. Муҳораба, тўқнашув. 12. Май, шароб. 13. Ҳафта кун. 16. Даъват, чорлов. 17. Йиртқич қуш. 18. Қойил қолиш — ... бериш. 20. Ваколатни тасдиқловчи ҳужжат. 22. Ҳал этилиши лозим вазифа. 23. Яхдудийларнинг муқаддас китоби. 25. Толъ, иқбол. 28. Туркиядаги қўл. 31. «Кока-кола» маҳсулоти. 32. Бухоро хонлигида амал қилган маъмурий-ҳудудий бирлик. 36. Чой қаби кенг тарқалган ичимлик. 37. Туркменистондаги шаҳар. 39. Ҳам туриб, ҳам ўтириб истеъмол қилиш мумкин бўлган сабзавот. 40. Пайғамбаримиз миллати. 41. Барглари йирик, суясавар ёввойи гул. 42. Сабот, бардош.

БЎЙИГА:

1. Зараркунанда ҳайвон. 2. «... келади чойдан, чой

ичсам қайси жойдан» (қўшиқдан.) 3. Қимматбаҳо металл. 5. Термин, истилоҳ. 6. Ватикан пул бирлиги. 7. Мамлакатимиздаги шаҳарлардан бири. 8. Соҳибқирон Амир Темур қатъий амал қилган тушунча. 9. Инсоний фазилат. 14. Германиядаги шаҳар. 15. Му-сиканинг кўриш учун мўлжалланган белгиси. 19. Юнон алифбосининг биринчи ҳарфи. 21. Ипак қурти «ихлос қўйган» дарахт. 22. Сарик тўсли, лекин тилла бўлмаган маъдан. 24. Электр қувватининг ўлчов бирлиги. 26. «Граф Монте Кристо» романи муаллифи. 27. Юнон файласуфи. 28. Қуёш тизимидаги сайёралардан бири. 29. Қадимий туркий қабила. 30. Циркда эпчиллиқни намоён қилувчи артист. 33. Қарғанин «қариндоши». 34. Қадимий улов. 35. Юртимиздаги денгиз. 38. Пул бирлиги риёл бўлган давлат.

Тузувчи: Жавлон ҚАЙНАРОВ

ри бошланади. Лобановский билан яхши муносабатга эга эканлигимиз учун Шацкихнинг келишига ишонаман.

Мухбир: — Футболчиларнинг алмаштирилишини изохласангиз?

В.Сальков: — Власичев ўзини ёмон ҳис қилаётганини айтди. БААдаги учрашувда ҳам мен бирор марта ўз ихтиёри билан футболчи алмаштирганим йўқ. Махбур эдим. Йўқса, ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди. Бугун ҳам ўйинни қучайтириш учун эмас, уни қутқариш учун алмаштирдим. Чунки Аннаматов бор кучини бериб ўйнади ва охиригача мадори қолмади. Кўплаб хатолар қила бошлади. Власичев ўрнига тушган Аҳмеров ишончли оқламади. Қарши ҳужум уюштирар деб, Кошелевни майдонга туширган эдик, бефойда бўлди. Заҳира масаласи бизда жуда ачинарли. Футболчиларда техника, тезлик, жисмоний куч етишмайди. Охириги ҳимоячи вазифасини Лушан қойилмаком бажарди. Маминов ҳақида гапирардан бўлса, мен Сёмин («Локомотив» бош мураббийи) билан бу борада гаплашдим. Унинг термага келиши даргумон.

Мухбир: — Ўзбекистон терма жамоасининг жаҳон чемпионатида иштирокига умид борми?

В.Сальков: — Мен жаҳон чемпионати ҳақида бош қотирганим йўқ. Асосий вазифа олдиндаги ўйин. Қанонки, бу тўсқандан ошсак, яна тўсқин чиқади ва ҳоказо...

Истрдирдим, сиз журналистлар стадионни тўлдириб, бизни олқишлаб турган халқимизга миннатдорчилигимни етказсангиз. Барчангизни яқинлашиб келаётган Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллик тўйи муносабати билан муборакбод етаман.

Норбек НИЁЗОВ,
спорт шарҳловчиси



«ХАЛҚАРО ПОЧТАМТ»

жамоаси бутун халқимизни Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллиги билан табриклайди ва юртдошларимизга тинчлик, омонлик, фаровон ҳаёт тилайди.